



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" mart

Қ-204 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани "Оқтепа" массиви
"Обихаёт" маҳалласи ҳудудидан "SAYID
HABIBULLOXON" хусусий корхонасига
интенсив боғ барпо этиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 04 мартдаги 05-02/190-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 06 февралдаги 03-05/42-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани "Оқтепа" массиви "Обихаёт" маҳалласи ҳудудидан "SAYID HABIBULLOXON" хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 331қ-дала контуридаги тупрок унумдорлиги 47 балл бонитетли жами 6,0 гектар шундан 5,7 гектар экин ер, 0,2 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,1 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдони интенсив боғ барпо этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов